



ИЖТИМОЙ ОНГ ЯРАТУВЧАНЛИК ХУСУСИЯТИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИ

Наркулов Сухроб Дусмуратович

Тошкент тиббиёт академияси Ижтимоий фанлар кафедраси
мудир, фалсафа фанлари доктори, доцент
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7710400>

ARTICLE INFO

Received: 26th February 2023

Accepted: 06th March 2023

Online: 08th March 2023

KEY WORDS

Онг, миллий онг, ижтимоий онг, индивидуал онг, ижтимоий борлиқ, сацокреатив, миллий ўзликни англаш, ижтимоий-маънавий тараққиёт, жамият, дунёқараш, трансформация.

ABSTRACT

Мақолада ижтимоий онг ва ижтимоий-маънавий тараққиёт диалектик боғлиқ феноменлар эканлиги, ижтимоий онгнинг инсон фаолиятига, унинг жамият билан алоқаларига сацокреатив таъсири, индивидуал онг билан ижтимоий онг ўртасидаги фарқ очиб берилган. Ижтимоий онгдаги сацокреативлик субъектив хусусиятларга эга йўналишларга ажратилиб таҳлил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли асарида “Мамлакатнинг ҳар томонлама гуллаб-яшнашига фақат кучли ва адолатли фуқаролик жамияти шароитида эришиш мумкин”[1. 112-б] деб таъкидлайди.

Фуқаролик жамиятида ижтимоий онгнинг ижодий, ижтимоий тараққиёт манфаатларига мувофиқ келадиган яратувчанлик хусусиятларига бўлган қизиқиш ошади. Онгдаги “Мен” ва унинг “ўзини ўзи долзарблаштириш” қуруқ жойда кечмайди, унга ижтимоий макон, муҳит зарур. Шу нуқтада онгдаги “Мен”, унинг “ўзини ўзи долзарблаштириши” билан ижтимоий онгнинг яратувчанлик, ижодий, креатив хусусияти уйғунлашади.

Ижтимоий онгнинг хусусиятлари ундаги ижодий, яратувчанликка ҳам жамият тараққиёти ва ижтимоий манфаатлар нуқтаи назаридан ёндашишни тақозо этади. Уни биз “сацокреатив” деб атаймиз.

“Креатив” лотинчи “creature” сўзидан олинган бўлиб, “яратиш” ёки “яратувчи” деган маънони англатади. “Сацокреатив” сўзи эса ижтимоий онгнинг жамият, кишилар, давлат учун фойдали, яратишга қаратилган хатти-ҳаракатларни билдиради.

Ижтимоий онг маконда, муҳитда шаклланган қарашларнинг, билимлар ва тасаввурларнинг оддий нусхаси эмас, у жамият ҳаётини, ижтимоий муносабатларни ўзгартиришга қодир. Инсон жамият, ижтимоий борлиқ билан муносабатларга киришганида уларда шаклланган қонунлар, тартиблар ва ахлоқий нормаларни қабул қилади, уларга эргашади. Шу тарзда у ўзининг маълум бир этномаданий маконга,



миллатга тааллуқли объект эканини кўрсатади. Инсоннинг ижтимоий мавжудот сифатида шаклланиши учун адаптация зарур, лекин онг тўла асимилияцияни, яъни муҳит ёки маконда, улардаги стереотипларга мутлақ синггиб кетишни ёқтирмайди. У бор кучи, салоҳияти билан ўзлаштирган қонунлар, тартиблар ва ахлоқий нормаларни ривожлантиришга, уларга ўзининг ички “Мен”ига мувофиқ келадиган ниманидир қўшишга интилади.

Ижтимоий онгнинг социокреатив хусусиятлари ички “Мен”нинг ташқи олам, ижтимоий борлиқ билан фаол муносабатга киришганида, лекин субъектив тарзда намоён бўлади. Уларни билиш, билим олишга интилиш, дунёқараш, миллий менталитет, ижтимоий-маданий бойликлар ва қадриятлар, трансцендентал идеал, когнитив изланиш ва ижод каби йўналишларда тадқиқ этиш мумкин.

Дунёни, оламни билишга қизиқиш инсонга хос хусусият. Гносеологик тажрибаларни умумлаштириш ва ён-атрофни ўзгартиришда улардан фойдаланиш хусусияти туфайли инсон ижтимоий-тарихий жараёнларнинг субъекти сифатида цивилизация яратган. Мазкур жараёнлар онг, онгга хос бўлган билиш, билим олишга интилиш билан боғлиқдир. Профессор Н.А.Шермухамедова ёзганидек, “шахсий ва ижтимоий тажрибада биз онгнинг мавжудлигини аниқ сезамиз, онгнинг ўз-ўзига, бошқа одамларга ва умуман жамиятга таъсири натижаларини физиологик даражада ҳис қиламиз ва кўрамиз. Бироқ, бу жараёнда онгнинг ўзи кўринмайди. Моддий дунё ҳодисаларидан фарқли ўлароқ, онгни кузатиш мумкин эмас. У гўё вақт ва макон чегараларидан ташқарида туради. Гносеологиянинг вазифаси бу кўринмас онгни идрок этиш, унинг моддий нарса ва ҳодисалар дунёси билан ўзаро алоқаларини аниқлаш, уни ўз муҳокама ва тадқиқот предметиға айлантиришдан иборат.” [2. 6-б.] Хуллас, “билимларимиз тажрибада синалганини қайд этувчи эмпиризм ва буни инкор этувчи рационализм” [3.] ҳам инсоннинг билишга, билим олишга интилишининг маҳсулларидир.

Одатда билиш кундалик тажриба ёки, Б. Рассел ибораси билан айтганда, “индивидуал тажриба ва илмий билим” [4. – С. 31.] дан иборат. Н.А.Шермухамедова эса замонавий гносеологик тажрибаларни умумлаштириб билимнинг 20га яқин шакллари борлигини санаб беради. [5. 18-36 б.] Демак, инсон онгининг дунёни, оламни билишга, билим олишга бўлган интилиши ранг – баранг, чексиз. У баъзан индивидуал тажрибага асосланади, лекин ижтимоий тажрибадан ўтиб, жамият тараққиётига ҳисса қўшадиган илмий билимга айланади. Мазкур постулатни фуқаролик жамиятига тадбиқ этган заҳоти кундалик тажриба, индивидуал билим билан ижтимоий тажриба, илмий билим ўртасидаги яқинликни ҳисобга олиш заруриятга айланади. Чунки “индивидуал идрок барча билимларимиз асоси ҳисобланади, унинг ёрдамида биз кўп кузатишларимиз учун умумий бўлган манбаларга таянишдан бошқа метод йўқлигини англаймиз.” [6. -С. 45.] Фуқаролик жамияти шахсга, инсон манфаатларига урғу берганида мазкур индивидуал тажриба ва шахс онги, интилишларини назардан қочирмайди. Ҳар қандай индивидуал тажриба ва шахс онги, интилишлари моҳиятан фуқаролик жамияти учун қимматлидир. Бироқ мазкур феноменлар жамият, ижтимоий манфаатлар ҳам борлигини рад этмаслиги, балки улар билан муросага киришиб, жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Шахснинг индивидуал онги ва индивидуал қизиқиши билан



жамиятнинг умумий, ижтимоий манфаатлари диалектик тарзда уйғунлашганидагина фуқаролик жамияти гуманистик ва умуминсоний функциясини бажаради.

Инсонни билишга, билим олишга интилиши онгнинг креатив хислати ҳисобланади. Аммо бу хислат ижтимоий аҳамият ва моҳият касб этиши учун шахс индивидуал қизиқиш ва интилишларини жамият тараққиёти талаблари билан боғлаши шарт. Ана шу тақдирда билиш, билим олишга интилиш социокреатив аҳамият касб этади. Тўғри, билиш жараёнининг, билим олишнинг мутлақ индивидуал манфаат, ижтимоий хусусият касб этмайдиган мутлақ эгоистик воқелик эканини исботловчи далил йўқ. Баъзан нигилистик ғояларни, қарашларни мисол қилиб келтиришади. Бизнинг фикримизча, бу етарли асос эмас. Илм-фанда ҳатто энг ғайриҳаётий, парадоксал онг маҳсулларини ҳам асослаш мумкин. [7.] Шахснинг креатив изланишлари, онгидан жой олган ғоялар, қараш ва ёндашишлар, энг аввало, унинг ўзига қарши қаратилмаслиги, уни маънавий-ахлоқий деградацияга, таназзулга олиб келмаслиги керак. Фуқаролик жамияти шахсга эркин изланиш ва яратиш имконини берганида ундаги бузғунчи кучларнинг авж олишини назарда тутмайди. Фуқаролик жамияти шахс олдида мажбурият, масъулият қўядиган ижтимоий макондир. Мазкур қадриятлар унинг ижтимоий онгининг ўзагини ташкил этади ва хатти – ҳаракатларини субъектив таъсири орқали бошқариб боради. Ижтимоий онг фуқаролик жамияти қонуниятларини билишни индивиддан қандай талаб этса, индивидуал онг ҳам ушбу талабаларга адекват жавоб бериши, яъни ижтимоий тараққиёт талабаларига мувофиқ шахсни хатти – ҳаракатга, фаолиятга етаклаши лозим. Ижтимоий онг “юз миллион йиллар давом этган эволюциянинг синтезлашишини ўзлаштирган феномен” [8. –С. 349.] сифатида тасодифан, кутилмаганда ғайримаданий, ғайриинсоний шаклга ўтолмайди, аммо уни конструктив, креатив томонга йўналтириб туриш жамиятнинг, цивилизациянинг вазифаси, функцияси бўлиб келган.

Ижтимоий онгнинг социокреатив хусусиятлари инсондаги дунёқарашлар, уларнинг қандай назарий – фалсафий, илмий йўналишга, моҳиятга эга эканида ёрқин намоён бўлади. Аслида ижтимоий онг ушбу дунёқарашларнинг провард натижаси, маҳсули сифатида келади, чунки ижтимоий онг маълум бир билимлар, ён-атроф, олам, жамият ҳақидаги қарашларнинг инъикосидир.

“Дунёқараш, - деб ёзади З. Фрейд, - борлиғимизнинг барча муаммоларини ечишга қаратилган интеллектуал тузилмадир. Унда барча нарсаларни ечиш, қизиқишимизга қаратилган муаммоларни ҳал этиш алоҳида ўрин эгаллайди. Дунёқарашга эга киши ўзини ҳаётга зарур тарзда сезади, нимага интилишини, қизиқиш ва аффектларини қандай мақсадларга мувофиқ қўллашини билади.” [9. – С.399]

Дунёқараш илмий, экспериментал асосдаги билимларга мувофиқ шаклланади. Гоҳо шундай бўладики, бундай билимларга тажриба, негиз ёки назария, қараш етишмайди. Дунёқараш трансцендентал хусусият касб этади ва шахсни борлиқдан йироқ фикрлар излашга етаклайди. Энг ҳайратли томони шундаки, гоҳо нафақат айрим гуруҳлар, балки, бутун жамоа, халқ, миллат трансцендентал ғояни ўзининг дунёқарашига айлантиради. [10. -С.401] Демак, биз дунёқарашдаги ўзига хосликларни, уни ижтимоий йўналтирганлик белгиларини ажратиб олишимиз даркор.



Ижтимоий онгдаги дунёқараш оддий тасаввурлар, гипотезалар, башоратлар эмас, у илмий натижаларга таянган, ижтимоий тараққиёт қонунларига мос келадиган, уларни фикр, ғоя тарзида ифода этадиган субъектив воқеликдир. Дунёқараш ижтимоий борлиқ қонуниятларига қанча яқин бўлса, у кишини жамият, социум билан яқин яшашини таъминлайди, агар акси бўлса, шахс ва жамият ўртасида зиддиятлар келиб чиқаверади. Фуқаролик жамияти дунёқарашнинг объектив, илмий изланишларга қурилишини қўллаб-қувватлайди, бу эса ижтимоий онгдаги хулосалар ва фикрларнинг социокреатив аҳамиятини оширади.

Фуқаролик жамияти илм-фан, техника, рационал изланишлардан манфаатдор, у ҳар бир жамият аъзоси онгида илмий, танқидий дунёқарашнинг шаклланишини иштайди. Чунки илмий-танқидий дунёқараш жамиятнинг стратегик мақсадига етиш йўллари кузатиб боради, эришилган ютуқлар ва содир бўлган хато ва камчиликларни рационал баҳолайди. Шундай ёндашув бўлмаган жамиятда авторитаризм, догматизм ва шахсга сиғиниш юзага келади, бу ҳол фуқаролик жамиятининг моҳиятига зиддир. Дунёқарашни шакллантириш илмий, педагогик институтларнинг вазифасидир. Шунинг учун фуқаролик жамияти илмий ва педагогик институтлар фаолияти, имкониятларидан унумли фойдаланишга интилади. Шу мақсадда у илмий салоҳиятни оширишни, ижтимоий-тарбиявий комплексларга янги педтехнологик усулларни жорий этишни назарда тутди.

Миллий менталитет ижтимоий онгда келадиган жараёнлар, инсоннинг маълум бир маданий-маънавий муҳитда шаклланишига бориб тақаладиган омиллар натижасидир. Бу онг, шу жумладан, ижтимоий онгнинг ҳам, этномуҳит таъсири маҳсули эканидан далолат беради.

Миллий менталитет билан ижтимоий онгнинг социокреатив хусусиятлари ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Этнопсихологик ва этносоциал тадқиқотлар кўрсатадики, киши ўзи ўсган макондаги муҳитдаги кишилар билан осон тил топади, хатти-ҳаракатларида ўзини эркин сезади. Бу ўша макон, муҳитдаги этномаданий бойликларни ўзлаштирганини кўрсатади. Агар киши ўзга маконга, муҳитга тушса, ўзининг илгариги ижтимоий ролини ҳам, ижтимоий онгидаги стереотип қарашларни ҳам ўзгартиришга, уларни янги макон, муҳит талабларига мослаштиришга мажбур бўлади. Демак, инсон маълум бир этник муҳитда ўзининг “шахсий модаллигини” ёки “шахсий базавий тизими”ни шакллантиради. [11. -С.353.] Айнан ушбу шахсий хусусиятлар миллий менталитетга оид бўлиб, улар шахсдаги этномаданий белгиларни намоён этади.

Ижтимоий онг билан миллий менталитет айнан ҳодисалар эмас. Бизнинг фикримизча, ижтимоий онг миллий онгдан кенгроқдир. У миллий белгиларни ўзига қабул қилиб, уларни ижтимоийлаштиради, яъни интернационаллаштиради. Миллий онг эса маълум бир миллатга тааллуқли, унинг ён-атрофга, борлиққа, ўзига муносабатларини ифода этади. Ижтимоий онг мазкур белгиларни ўз синтезидан ўтказиб, миллий онгни ўзининг атрибутига, қисмига айлантиради. Гоҳо мазкур трансформацияни сезиш, илғаш қийин, чунки миллий онг ижтимоий регуляторга айланиш хусусиятига эга. Моноэтник ижтимоий макон ёки муҳитда миллий онг кишиларнинг хулқ – атворини, фикрларини, муносабатларини бошқаради.



Фуқаролик жамияти полиэтник ижтимоий макон ҳисобланади, унда турли миллат вакиллари истиқомат қилади, миллатлараро муносабатларда тенг ҳуқуқлик, ўзаро ҳамкорлик, иттифоқ бўлиб яшаш тартиби қарор топади. Аммо миллий менталитет масаласини у, гипотетик қараганда, тўла ҳал этиши мумкин. Чунки фуқаролик жамияти маълум бир тарихий тажриба ортирган Ғарб давлатларида ҳам миллий-этник муаммолар ўз ечимини тўла топган эмас.

Онг кўзга кўринмайдиган нарса, уни ушлаш мумкин эмас, ўлчаш қийин, тутиб, бирор объектга қиёслаш мушкул. Аммо унинг натижаларини кўрмаслик мумкин эмас. Ижтимоий онгнинг ана шундай натижалари ижтимоий бойликлар ва қадриятларда, этномаданиятда акс этади. Креативлик, провард натижада, бирорта янгиликда, яратилган нарсада, ифодасини топган фикр ёки ғоядадир.

Ижтимоий онгнинг ижтимоий бойликлар, қадриятлар ва этномаданиятда объективлашиши субъектив ҳодисани киши, жамият учун аҳамиятли қилади. Аслида инсон фаолиятини яхлит воқелик сифатида тасаввур қилмай субъектив ҳодисани баҳолаб, ижтимоий аҳамиятини тўғри топиб бўлмайди. Қисқа қилиб айтганда, ижтимоий онгнинг социокреатив хусусияти инсонни, унинг фаолиятини ижтимоий-маданий бойликлар яратишга ундаганидадир.

Ижтимоий-маданий бойликларга инсон фаолиятининг маҳсули бўлган муҳит, жамият учун зарур артефактлар киради. Мазкур бойликлар инсон онгли фаолиятининг маҳсуллари сифатида жамиятда бирор қимматга, моҳиятга ва функцияга эга бўлади. Ҳатто энг ғайриҳаётий туғилган сюрреалистик, гипперреалистик ёки абстракт асарлар ҳам маълум бир гуруҳлар, кишилар эстетик дидига мувофиқ келади. Масалан, сюрреализмнинг йирик намоёнчаси, испан мусаввири С. Далининг ранг тасвирларини олайлик. Уларда пажмурда гавдалар, қинидан чиқаёзган кўзлар, туйнуксимон қорин, баҳайбат башара ва ҳайбатли қўллар, тушга кирадиган кўрқинчли қушҳайвонлар ғаройиб тарзда аралашиб келади. Унинг, ўз ибораси билан айтганда, “параноидли танқидий таҳлил методи” [12. – С.20] реализм ва рационализмга ўрганган ақлни, онгни ҳайратга солади. Ушбу ғайришуурий, ғайриҳаётий тасвир тез орада Ўзбекистонлик мусаввирлар онгини ҳам чулғаб олди. Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, М.Кагаров, М.Фозилов, А.Нур каби кўплаб ижодкорлар сюрреализмдан илҳом олиб асарлар яратган. Бугун бадиий тасвирий ижод соҳасида кўзга кўринган бирорта ҳам мусаввир ёки ҳайкалтарош йўқки, сурреализм, абстракционизм, кубизм ёки модернизм оқимлари таъсирида изланмаётган бўлса. Бир пайтлари К.Малевичнинг “Қора квадрат” асари ва унинг табиатни, гўзал аёлни, перспектива, горизонт, натурани, академик стилни рад этгани [13. – С.7.] қораланган. Ҳақиқатдан ҳам, “Қора квадрат”да қаро квадратдан бошқа нарса йўқ. Уни ақлу идрокли, қобилиятли мусаввир кўргазмага қўйишига ишонгинг келмайди. “Венера Мелосская таназзулнинг ёрқин намунаси”, “Микеланжело Давиди – бадбашаралик”, деб буюк Тициан, Уйғониш даври даҳоларини инкор этиш К. Малевич даъватидир. [14. – С. 12] Ҳайратли томони шундаки, ушбу нигилизм, ғайриҳаётийлик излашга интилиш яна қайта тикланмоқда, ижтимоий-маданий бойлик сифатида эъзозланмоқда. Демак, бугун рад этилган онг, изланиш, тафаккур маҳсули эртага эъзозланиши ва, аксинча, бугун эъзозланаётган, қадрланаётган нарса вақт ўтиши билан ўз аҳамиятини, долзарблиги ва муҳимлигини



йўқотиши мумкин. Бироқ ижтимоий-тарихий тараққиёт, цивилизация тарихи кўрсатадики, умуминсоний аҳамиятга эга, инсондаги яратувчанликни рўёбга чиқаришга қаратилган бойликлар, онг, тафаккур, изланиш маҳсуллари боқийдир. Ижтимоий онгдаги ижобий, социокреатив куч ҳам шунда.

Онгнинг яширин хусусияти, илмий изланишларнинг уни топишдаги ожизлиги, рационал изланишларга тутқич бермаслиги ҳамда кўзга кўринмас тарзда ўзгариб, трансформацияга учраб, гоҳо ўзини ўзи рад этиб, мутлақ бошқа муносабатга ўтиши унга иррационаллик, трансцендентлик, интуитивлик, ғайрихаётийлик бахш этади. Онгни ақлу идрок, рационал методлар билан тадқиқ этиш ҳеч қачон кутилган натижаларга олиб келмаган, бундай изланишлар иррационални, трансцендентни тан олиш билан якунланган. Нобель мукофотининг лауреати, машҳур файласуф Б. Рассел “Инсон билими” (“Человеческое познание”) деган 550 бетлик гўзал илмий асар ёзган. Лекин у онг масаласини четлаб ўтади, онгнинг ақлу идрокка яқин сарҳадини, яъни билиш жараёнини тадқиқ этади.

Иррационаллик объектни нафақат борлиқдан, тажрибадан, шунингдек, борлиқдан, тажрибадан ташқаридан қидиришга ҳам ундайди. Бундай объект кўпинча худодир.

Ижтимоий онг моҳиятига кўра, ижтимоий борлиқдаги объектлар билан қизиқиши, улардаги тараққиёт талабларига мувофиқ келадиган жиҳатларни ўрганиши, кузатиши зарур. Бироқ ижтимоий ҳаётни, кишилар излаётган идеални бугун худосиз, динсиз тасаввур этиш қийин. Ҳатто ривожланган давлатларда ҳам мактаб ўқув жараёнларга динга оид махсус дарслар киритилмоқдаки, бу ҳол трансцендентал қарашларни, динни ижтимоий онгдан чуқур жой олганини кўрсатади.

Ижтимоий онг ўзгарувчанлиги, трансформацияга мойиллиги ва ташқи таъйиқларга берилувчанлиги туфайли диндаги ортодоксал қарашларни ёқтирмаслиги ҳақиқатдир. Ижтимоий онгга янгилик, ўзгариш, эврилиш орқали новацион изланишларга ўчлик хос, дин эса догмага асосланади. Диндаги қадриятларни, урф-одатларни ўзгартириш учун асрлар керак, ижтимоий онгнинг эса бундай ёндашишга консервативлик, турғунлик, деб қараши кузатилади. Шунинг учун ижтимоий онг трансцендентал идеалга мурожаат этганида ундаги ортодоксал қарашларни ва консерватив урф-одатларни жамиятга олиб кириш учун эмас, балки диндаги социокреатив тажрибалар ва усуллардан фойдаланишни, шу тарзда инсондаги маънавий-руҳий имкониятларни, кучларни ҳаракатга келтиришни назарда тутаяди. Бугун трансцендентга, дин ва худога мурожаат этиш тарихий-маданий меросни тиклаш, буюк аجدодларимиз излаган комил инсонни тарбиялаш, вояга етказиш, инсондаги социокреатив, ижтимоий-маданий кучларни тараққиёт манфаатларига йўналтириш учун зарур. Ўзидаги социокреатив кучга ишонмаган шахс уни трансцендент, худо, дин орқали рўёбга чиқара олмайди. Трансцендентал идеал шахс маънавиятини янги поғонага кўтариши, уни гуманистик қадриятлар яратишга ундаши зарур.

Ижтимоий онг шахснинг когнитив изланишлари ва ижоди билан чамбарчас боғлиқ. Бу аслида ижтимоий онг билан индивидуал онг ўртасидаги диалектик



боғлиқликнинг бир кўриниши ҳисобланади. Инсон билимлари, онги орқали ички руҳий ҳолатларини, ташқи хатти-ҳаракатларини идора қилиш ҳамда зарур томонга йўналтиришнинг психологик механизмларини топа олади. Когнитив изланиш шахсда ушбу индивидуал – психологик хусусиятдан келиб чиқиб, шахс олган билим, информация ва тажрибаларни эсктериоратив тарзда ижтимоий борлиққа йўналтира олади. Демак, когнитив изланиш шунчаки билим ва информация олиш эмас, балки уларни ижтимоий манфаатларга, ташқи ҳаёт талабаларига йўналтириш қобилияти ҳисобланади. Шахснинг маънавий-руҳий изланишлари генезиси ва моҳияти нуқтаи назаридан ижтимоий борлиқ, муҳит билан боғлиқ экан у тор, шахсий қизиқиш, интилиш доирасида қололмайди. Ушбу қонуниятни англаган шахс онги ижтимоийлашув йўлини қидиради.

Ижтимоий онгга хос бўлган когнитив изланиш ва ижодни инсон маънавиятига тааллуқли барча соҳаларда кўриш мумкин. Адабиёт, санъат, илм, фан, интеллектуал фаолият, ижтимоий бошқаришни когнитив изланишсиз, ижодий ёндашувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Инсон ижтимоий борлиқ билан муносабатларга киришар экан, ушбу муносабатлардан руҳий таъсирланмаслиги, ўз навбатида уларни психологиясидан, ички оламидан ўтказмаслиги мумкин эмас. Мазкур когнитив жараёнда у ўзидан, ўзида шакллантирган тасаввур, идеал, қарашлардан ниманидир қўшади, ниманидир ўзгартиришга, янгилаш ва бойитишга интилади, Э.Фромм ибораси билан айтганда, “одам ўзидан ўзиш эҳтиёжи” [15. -С.12] ни намоён этади. Мазкур, кўп марта такрорланган хулосани фуқаролик жамиятига тадбиқ этганда ижтимоий онгни: 1) ижтимоий фикр; 2) ижтимоий муносабатлар; 3) ижтимоий хатти-ҳаракатлар (фаолият) тизимида қараш мумкин бўлади. Фикр – муносабатлар – фаолият ижтимоий онг социокреатив хусусиятларининг марказини, моҳиятини ташкил этади. Юқорида таҳлил қилган олти йўналиш ушбу тизимда мужассам.

Ижтимоий фикр ижтимоий онгни соф тарзда ифода этади, у ҳам моҳиятан, ҳам кўринишига мувофиқ субъектив воқелик ҳисобланади. Ижтимоий фикр орқали биз кишиларнинг жамият, борлиқ, тузум, ён-атрофдаги воқеалар ҳақидаги тасаввурларини, ҳаётий позицияси ва идеалини аниқлаймиз. Фикрнинг соф субъектив хусусияти инсоннинг билими, дунёқараши, менталитети, идеали ва когнитив изланишлари ҳам субъектив воқеликлар эканидан келиб чиқади. Ушбу йўналишларга таянадиган ижтимоий фикр келгуси босқични, яъни ижтимоий муносабатларни келтириб чиқаради.

Ижтимоий муносабатларда ҳаёт талаблари, кишиларнинг эҳтиёж ва қизиқишлари мужассам бўлса-да, улар ҳам субъектив воқеликлардир. Чунки ижтимоий муносабатлар кишилараро ва жамиятлараро кечадиган шартномавий, жамоавий, институтционал, интеллектуал ва коммуникатив алоқалардан иборат. Бозор иқтисодиёти шароитида амалга ошириладиган олди-сотди ҳам аслида субъектив хусусиятга эга ижтимоий муносабатлар маҳсули ҳисобланади. Биз учун муҳим жиҳати шундаки, ижтимоий муносабатлар ижтимоий онгнинг ўзига хос тарзда институтционаллашган, жамият ҳаётининг барча соҳаларига тааллуқли, тараққиёт йўллари ифода этувчи ҳодиса. Биз уларга қараб жамиятда қарор топган тузум, ижтимоий бошқариш, мақсад ва манфаатлар ҳақида хулоса чиқарамиз.



Ижтимоий фаолият ижтимоий онгнинг хатти-ҳаракатларда объективлашган, юқори поғонаси ҳисобланади. Ижтимоий онгнинг асосий социокреатив хусусияти мазкур поғонада ёрқин намоён бўлади. Тўғри, ижтимоий фикр ва ижтимоий муносабатларда ҳам ижодий изланиш, яратувчанлик мавжуд, лекин амалий фаолият ижтимоий онгнинг нафақат ифодаси, шунингдек, мезони, меъёри вазифасини ҳам бажаради. Масалан, ижтимоий назоратни олайлик. Назорат амалиёт, маълум бир хатти-ҳаракатлар тизими. Унда бир томондан, ижтимоий онгга хос субъектив хусусият мужассам, иккинчи томондан, у ёки бу объектни, фаолият турини қабул қилинган қонунларга мувофиқлигини кузатиб, ўрганиб, тўғрилаб боришдек хатти-ҳаракатлар амалга оширилади. Фуқаролик жамиятидаги ижтимоий бошқаришнинг энг муҳим институти ижтимоий назорат ҳисобланади. Ижтимоий назоратнинг самарали ташкил этилгани, амалга оширилиши жамият ҳолатини аниқлашга, институтлар фаолиятини рационал бошқаришга, уларни стратегик мақсадга тўғри йўналтиришга имкон беради. Ижтимоий онгда шаклланган нормалар, идеаллар эса ижтимоий назорат учун меъёр, дастур вазифасини ўтайди. Айнан шу ўринда ижтимоий онгнинг ижтимоий фаолиятга айланишдек социокреатив хусусияти акс этади. Ўзбекистонда ижтимоий назорат, ижтимоий шерикчилик ҳақида махсус қонунлар қабул қилингани ижтимоий онгнинг социокреатив хусусиятга эга, фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун муҳим феномен эканидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий онгнинг социокреатив хусусиятлари жамият билан инсон, давлат билан ижодкор ўртасидаги муносабатларни тараққиёт мақсадларига мувофиқ ташкил этишни талаб қилади. Фуқаролик жамиятида амал қиладиган инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг шахсдаги креатив изланишларни кучайтириши, кенгайтириши турган гап, бу ҳолда, шахсий ва умумижтимоий манфаатларни уйғунлаштириш муаммога айланади. Фуқаролик жамияти инсондаги креатив изланишларни қўллаб-қувватлаганда ижод воситаларининг ғайриинсоний бўлмаслигини истайди, усул, ёндашишлар ва мавзулар танлашда ижодкор мутлақ эркиндир. Аммо ижтимоий онгнинг социокреатив хусусиятлари ва функциялари трансформация жараёнларини ифода этмай қолмайди. Мазкур трансформация жараёнлари бутун ижтимоий борлиқда, жамият ва инсонда уйғун, яхлит тарзда кечсагина ислохотлар тез натижа беради.

References:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. 112-б.
2. Шермухамедова Н.А. Гносеология – билиш назарияси. –Тошкент: Noshir, 2011. – 6 б.
3. Ўша жойда.
4. Рассель Б. Человеческое познание. Его сфера и границы. –Москва: Инлит-ры, 1957. – С. 31.
5. Қаранг: Шермухамедова Н.А. Гносеология – билиш назарияси. –Тошкент: Noshir, 2011. – 18-36 б.
6. Рассель Б. Человеческое познание. Его сфера и границы. –Москва: Инлит-ры, 1957. – С. 45.



7. Қаранг: Заблуждающийся разум? Многообразия вне научных знаний. – Москва: Политиздат, 1990; Нискер В. Безумная мудрость. – СПб.: “Питер”, 2000.
8. Қаранг: Анохин П.К. Философские аспекты теории функциональной системы. – Москва: АСТ. Астрель, 2008, - С.349.
9. Фрейд З. Введение в психоанализ. Лекции. – Москва: Наука, 1991. – С.399.
10. Қаранг: Ўша асар. – С. 401.
11. Касьянова К. Национальный характер и социальный архитип// Этнопсихологические проблемы вчера и сегодня. –Мн.: Харвест, 2004. – С.353.
12. Дали С. Дневник одного гения. – Москва: ЭКСМО-ПРЕСС, 2000. – С. 20.
13. Қаранг: Малевич К. Черный квадрат. - СПб.: Азбука, 2012. – С. 7.
14. Қаранг: Ўша асар. – С. 12.
15. Фромм Э. Искусство быть. –Москва: АСТ, 2014. –С. 12.
16. Норқулов С. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онгда трансформация жараёнлари. – Тошкент: Navro‘z, 2015.
17. Умарова Ф., Норқулов С. Модернизация ва ўзбек этнотафаккуридаги янгиланишлар. – Тошкент: Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi, 2021.
18. Норқулов Д.Т. Ҳуқуқий онг жамият маънавиятини ривожлантириш омили. Соҳибқурон юлдузи, 2021. - 150-154 б.